

"Тасдиқлайман"

"Туямуйин гидроузелидан фойдаланиш
бошқармаси" бош муҳандиси

З.Б.Довлатов

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

“Амударёда сув сарфининг камайиши таъсирида Туямуйин сув омборини самарали ишлатиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзусидаги тадқиқот ишини бажариш учун

№	Бўлим номи	Бўлимлар учун тушунтиришлар
1	Буюртмачи	Туямуйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармаси
2	Мавзу	“Амударёда сув сарфининг камайиши таъсирида Туямуйин сув омборини самарали ишлатиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзусидаги тадқиқот ишини бажариш учун
3	Объект жойлашган манзили	Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани Туямуйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармаси
4	Танлов тартиб рақами	№
5	Буюртмачи манзили, алоқа телефон.	Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани, Муҳаббат маҳалласи, 362-30-54-906, 362-30-54-779
6	Иштирокчилар танловда иштирок этишларига рухсат этилади	Юридик шахслар бирлашмалари (консорциумов) танловда иштирок этишга йўл қўйилмайди.
7	Танлов ўтказиладиган жой манзили	Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани Туямуйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармаси
8	Танлов ҳужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	Ўзбекистон Республикаси Товар хом-ашё биржаси https://etender.uzex.uz/
9	Танловнинг тахминий нархи	ҚҚС сиз 100 000 000 (юз миллион) сўм
10	Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар	Танлов иштирокчилари юридик шахс сифатида давлат реестридан рўйхатдан ўтган бўлиши шарт; -Танлов иштирокчи туғрисидаги умумий ахборот (Таъсисчи раҳбарнинг паспорт, устав, гувоҳнома нусхалар), -Шартнома тузиш бўйича қонуний ҳуқуққа эгаллиги; -Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлик йўқлиги; -Уларга нисбатан банкротлик таомили йўқлиги; -Нохалол ижрочиларнинг ягона реестрида улар ҳақида қайднинг мавжуд эмаслиги; -Иштирокчилар ишларни, товарларни бажариш (хизмат кўрсатиш) учун зарур мутахассислар ва ресурсларга, касбий ва техник малакага, шу каби объектлар ҳужжатларнинг дастурий таъминотини

		<p>ишлаб чиқиш бўйича тажриба ва кўникмага, шартномани тузиш пайтида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ваколатга эга бўлиши керак;</p> <p>-Давлат солиқ инспекцияга берилган ишчиларнинг даромад ва ижтимоий тўлов ҳисоботидан нусха.</p> <p>-Бажариладиган ишлар кафолати ва таклиф этилаётган нарх;</p> <p>-Мавжуд машина ва механизмлар ва бошқалар рўйхати</p> <p>-Сўнгги бир йилда амалга оширган камида 1 та лойиҳани такдим этиш.</p> <p>-Техник топшириқда келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши;</p>
11	Тўлов шартлари	Шартнома қилингандан сўнг 30 % аванс берилади. Қолган 70 % ни смета харажатларида тасдиқланган ойма-ой тўлов графикаси асосида тўлаб борилади.
	Таклифларни қабул қилиш	Таклифлар сайтда эълон қилинган кундан бошлаб қабул қилинади.
12	Ўйратмачи томонидан белгиланган хизматлар муддати	150 каледар кун
13	Танловда иштирок этиш учун таклиф қайси тилда тайёрланиши керак	Ўзбек ва рус тилларида
14	Молиялаштириш манбаи	Давлат бюджети; 2022 йил харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан
15	Шартнома валютаси	Ўзбек сўмида

Ишлаб чиқариш ва таъминот
бўйича бош муҳандис в.в.б :



И.Ибрагимов

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Туямўйин гидроузелидан
фойдаланиш
бошкармаси бошлиғи
Қ.С.Бабажанов


ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ

“Амударёда сув сарфининг камайиши таъсирида Туямўйин сув омборини самарали ишлатиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзусидаги тадқиқот ишини бажариш учун

Харажатлар тури	Статя	Жами харажатлар, сўм
А	1	2
Иш хаки	01	60 000 000
Ягона ижтимоий тўлов, 25 %	02	15 000 000
Хизмат сафари харажатлари	03	5 000 000
Бошқа харажатлар		-
Тўғридан-тўғри харажатлар		80 000 000
Устама харажатлар (коммунал ва ижара тўловлари билан бирга -- шартноманинг умумий қийматидан 20 %)		20 000 000
ЖАМИ		100 000 000

Харажат моддаларининг номи	Сатр	Йиллик жами харажатлар минг. сўм	Боскичлар		
			I	II	III
A	1	2	3	4	5
Иш хаки	01	60 000	20 000	20 000	20 000
Иш берувчиларнинг ажратмалари	02	15 000	5 000	5 000	5 000
Хизмат сафарлари харажатлари	03	5 000	2 000	2 000	1 000
Коммунал хизматлари харажатлари	04	0			
электроэнергия учун тўлов	04 1	0			
табiiий газ учун тўлов	04 2	0			
иссиқ сув ва иссиқлик энергия учун тўлов	04 3	0			
сув ва оқава учун тўлов	04 4	0			
ахлатларни йиғиштириш ва олиб чиқиб кетилиш хизмати учун тўлов	04 5	0			
Телефон, телекоммуникацион ва ахборот хизматлари харажатлари	05	0			
Жорий таъмирлаш харажатлари	06	0			
Сақлаш, ижара, эксплуатация ва хоказо хизматларга тўлаш учун харажатлари	07	0			
бензин ва бошқа ёнилги - мойлаш материаллари харажатлари	07 1	0			
объектларни қўриқлаш хизмати учун тўлов харажатлари	07 2	0			
сақлаш, ижара, эксплуатация ва хоказо хизматларга тўлаш учун харажатлари	07 3	0			
Бошқа жорий харажатлар	08	0			
илмий - техник ахборотлар олиш, сертификатлаш ва чоп этиш харажатлари	08 1	0			
кийим-кечак, пойафзал, махсус кийим- кечаклар олиш учун харажатлар	08 2	0			
канцелярия махсулотларини олиш учун харажатлар	08 3	0			
бошқа жорий харажатлар	08 4	0			
Бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан бажарилган ишлаб чиқариш характеридаги ишлар учун харажатлар	09	0			
Жихозлар, техниклар, ускуналар ва бошқа капитал активларни олиш учун харажатлар	10	0			
Устама харажатлар	11	20 000	7 000	7 000	6 000
Жами:		100 000	34 000	34 000	32 000

Ишлаб чиқариш ва иаъминот
буйича бош муҳандис в.в.б:



И.Ибрагимов

Амударёда сув сарфининг камайиши таъсирида Туямўйин сув омборини самарали ишлатиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш” мавзусида тадқиқот иши олиб борилишини мақсадга мувофиқлигининг

ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАНМАСИ

1. Мавзунинг долзарблиги:

1. Кейинги йилларда Амударё хавзасида сув ресурсларининг камайиши кузатилмоқда. Шунингдек, сув ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш тартиби ўзгариб бормоқда. Яъни вегетация даврида кишлоқ хўжалигини экинларини суғоришда сувнинг етарли ҳажмда олинмаслиги, сув омборининг сув билан тўлдириш имкониятининг пасайиши кузатилмоқда. Бунга асосий сабаблардан бири бу иқлим ўзгариши ҳамда Амударё хавзасидаги қўшни давлатларда жойлашган сув омборларидан ирригация тартибидан энергетика тартибларида фойдаланишнинг ортиши ҳам таъсир кўрсатади. Шунингдек, Туямўйин сув омборидан 35 йилдан ортиқ фойдаланиш мобайнида лойка чўкиндиларнинг чўкиши ва сув омбори ҳажмининг пасайиши содир бўлмоқда. Шу сабабли, барча таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиб Туямўйин сув омборини самарали ишлатиш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бунинг натижасида, Туямўйин сув омборини самарали ва хавфсиз эксплуатация қилиш, етарли ҳажмда сувни йиғиш орқали Амударёнинг қуйи қисми Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларида экинларни кафолатли сув билан таъминланиб, иқтисодий самарага эришиши имконияти яратилади.

2. Тадқиқотнинг мақсади:

Амударёнинг кўп йиллик гидрологик ва морфологик кўрсаткичлари, иқлим ўзгаришлари, Туямўйин сув омборининг техник хусусиятларини инобатга олиб, сув омборини самарали ишлатиш ва сув йиғиш ҳажмини ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

3. Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Туямўйин сув омборининг юқори қисми, Амударёнинг Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятларидан оқиб ўтувчи қисмида оқимнинг кўп йиллик гидрологик маълумотларни ўрганилади, сув ресурсларининг шаклланиши таҳлил қилинади. Туямўйин сув омборига йиллик ҳар бир мавсум давомида сув ресурсларининг кириб келиши прогноз қилинади.

2. Иқлим ўзгариши ҳамда Амударёнинг юқори қисмидан сув олувчи йирик каналларнинг Туямўйин сув омбори сув йиғиш ҳажмига таъсири баҳоланади. Амударёнинг бош, ўрта ва қуйи қисмида сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш тартиблари аниқланади.

3. Туямўйин сув омборининг Султонсанжар дамбасини кўтариш ва қўшимча ҳажмда сув йиғиш имкониятини яратиш бўйича лойиҳа маълумотлари, гидротехникада қабул қилинган тартиблар, тадқиқот объектидаги ўтказилган ўлчов натижалари, назарий ва амалий тадқиқотларга асосланиб, конструктив илмий хулосаларни ишлаб чиқилади. Ўзан жараёнлари билан боғлиқ вазифалар кўриб чиқилади.

4. Туямўйин сув омборида максимал ҳажмда сув йиғиш ҳамда ундан хавфсиз ва самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилади. Сув омборида сувни йиғиш ва чиқариш тартиблари бўйича хулосалар берилиб, Туямўйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармаси томонидан эксплуатация жараёнида фойдаланилади.

4. Тадқиқот усули

Туямўйин сув омбори, Султонсанжар сув омбори ва уларнинг дамбалари, улардаги мавжуд гидротехника иншоотлари ҳамда Амударёнинг ўрта, бош, қуйи қисмлари ҳисобланади.

5. Тадқиқот усули

2. Гидравлика ва гидротехникада қабул қилинган умумий усуллар, оқим ва ўзанининг кўп йиллик гидравлик, гидрологик кўрсаткичлари, иншоотларнинг статистика маълумотлари, дала тадқиқотлари усулларидан асосида бажарилади.

6. Тарғибот усули (матбуот, радио, телевидениеда ёки тавсиянома сифатида)

Тадқиқот иши натижаларидан маҳаллий ва хорижий илмий журналларда, семинарларда мақолалар чоп қилинади ва оммавий ахборот воситалари орқали маълумотлар берилади.